

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2022-9/4

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2022

Бош муҳаррир:*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.***Бош муҳаррир ўринбосари:***Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.***Таҳрир ҳайати:**

<i>Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.</i>	<i>Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.</i>	<i>Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.</i>	<i>Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.</i>
<i>Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.</i>	<i>Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.</i>
<i>Аимбетов Нағмет Қаллиев, и.ф.д., акад.</i>	<i>Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.</i>
<i>Аметов Яқуб Идрисович, д.б.н., проф.</i>	<i>Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.</i>
<i>Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.</i>	<i>Салаев Санъатбек Қомилевич, и.ф.д., проф.</i>
<i>Бекчанов Даврон Ҷуманазарович, к.ф.д.</i>	<i>Сапарбаева Гуландам Машиариповна, ф.ф.ф.д.</i>
<i>Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.</i>	<i>Сапаров Қаландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.</i>	<i>Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.</i>
<i>Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.</i>	<i>Сотилов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.</i>
<i>Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.</i>	<i>Тожибаев Қомилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик</i>
<i>Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.</i>	<i>Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.</i>
<i>Ҷуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.</i>	<i>Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.</i>
<i>Ҷуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.</i>	<i>Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.</i>
<i>Қадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.</i>	<i>Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.</i>
<i>Қаримов Улғубек Темирбаевич, DSc</i>	<i>Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.</i>
<i>Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.</i>	<i>Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.</i>
<i>Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.</i>	<i>Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.</i>
<i>Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.</i>	<i>Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.</i>
<i>Махмудов Рауфжон Бахоридович, ф.ф.д., к.и.х.</i>	<i>Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.</i>
<i>Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.</i>	<i>Худайберганова Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.</i>
<i>Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.</i>	

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№9/4 (93), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. — 140 б. — Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими — Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Abdinazarov U.K. Hippological terms in the lexical-semantic system of english: thematic groups of monosemia, polysemy, antonymy, synonymy and hyper-hyponymy	5
Bo‘riyev I.E. O‘zbek tilining izohli lug‘atlarida iboralarning shakliy-struktur tavsifi	7
Daliev M.X. Mixed polysemy in polysemantic words in English	10
Dautova M.M. Theoretical foundations for the study of neologisms in the English language and their translation into Russian	13
Egamberdiyeva G., Madiyrov Sh. Xorazm shevalari va urdu tillaridagi mushtarakliklar	16
Inogamova N.A. Similarities and differences between uzbek and english proverbs on good and evil	18
Jumaniyazova Sh.Z., Saparbaeva G.M. Translation problems of synonymy or the law of lexical translational conformity and inter-language correlative categories	22
Karimova M. Main features of the terminology in communication and cognitive linguistics	25
Kazakova G.K. Ozod Sharafiddinov esselarida Abdulla Qahhor siymosi	28
Khudoyorova S.T. The essence of inner form in the semantics of English and uzbek phraseological units	32
Madiyorova V.Q. Frazelogik birliklarda arxai elementlarning qo‘llanishi	35
Otamuratova S.T. Munis ijodida quyosh obrazi	37
Qahhorova Sh.T. Badiiy asarlar tarjimasida muallif uslubining qayta yaratilishi	40
Pardayeva A.R., Ochilova M.D., Toshtemirova K., Pirnazarova Kh.A. Basic characteristics of word compounds different from sentences	43
Raximova A. Dunyo, insoniyat, vatan, muxabbat xaqidagi insoniy qarashlarning Maxtumquli firog‘iy pandnomalarida namoyon bo‘lishi	46
Sadullayeva M.A. Hozirgi o‘zbek hikoyachiligida uslub va mahorat masalasi	49
Soatova N.I. Shuhratning “Mangulik” dostonida xalqona poetik tafakkur	52
Sultonova J. Omon Muxorning “Ming bir qiyofa” romanidagi o‘xshatishlarning lingvomadaniy xususiyatlari	56
Tursunova M. “Ayol” konseptining ispan va o‘zbek tillari kognitiv lingvistikasidagi ifodasi	60
Абдуллаева Р.Х. Ценности, составляющие концепт «человек как объект оценки с точки зрения эстетики»	63
Авлакулов Я.И. Структура макропространства узбекской ономастики	66
Ахмедова З.Ж. Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида табу тақиқларнинг тутган ўрни	69
Гафарова З.З. Рема–тема нутқий тузилмасининг матн структур таркиби	72
Мавлянова Т.Б. Великая тройка синонимов Хафиза Ширази: вино – любовь – истина	76
Машарипова Ф.Ж. CBI/STEM доменида ўқиш компетенциясини такомиллаштиришнинг самарали стратегиялари	79
Мелиева З.Б., Рашидова Н.Н. Основные характеристики словосочетаний, отличных от предложений	83
Мирзаева Б. Эпик матн таснифи ва тадқиқи масалалари	87
Наширова Д.Б. Йўналма ҳаракат феълларининг инглиз тили изоҳли луғатларида берилиши	91
Норбаева Ш.Х. Хоразм шевалари лексикаси шаклланишида маъно кўчишларининг ўрни	94
Саидов Ў., Норбеков Р. Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида иш юритиш терминларининг шаклий-структур тавсифи	96
Сатимова Д.Н. Лисонда норма ва субнорма тушунчалари таърифи ҳамда ушбу категорияларнинг ижтимоий ва лингвистик мазмуни	101
Тиллабаева Ф.А., Неъматжоновна Н., Хасанова Г. Ўзбек халқ поэтик оғзаки ижодида топишмоқларнинг тутган ўрни	105

Узоқов А.Х. Мухаммад Алининг “Улуғ салтанат” асарида Амир Темур образининг гавдаланиш тамойиллари	108
Умурова Г.Ҳ. Ҳижрон ва айрилиқдан яралган поэтик олам	111
Халова М.А. Ўзбек маданиятида аёллар адабиётининг ўрни	114
Хамраходжаева С.Ж. Проблема обучения креативному письму на немецком языке студентов экономического направления	118
Худойбердиева Д.М. Сергей Есенин шеърларидаги ватан мавзуси ва табиат образларининг ўзбек шеърлятида гавдаланиши	122
Шарипова М. Шайбоний шеърлятида тажнис санъати	126
Эргашова Г. Ғози Олим Юнусовнинг “Русча-ўзбекча сиёсий-ҳуқуқий терминлар луғати”да сўзларнинг таржимада акс эттириш тамойиллари	129
Янгибаева Н. «Яшил «Нива» нинг адабиёт майдонига кириб келиши	134

ҳажмий қиёслашда катта ҳажмли ёки салмоқлиларини дастлаб дев каби мавҳум махлуқотга (*Девқалъа* каби), кейинчалик от, эшак каби жониворларга (*эшакари, отари, харсанг*), сўнгги босқичга ҳукмдорга нисбат бериш урф бўлган (*шоҳсуна, шоҳбайт* каби).

Воҳа касбий лексикаси тизимида ўзлашма қатламга мансуб бўлган *санда*л сўзи сандон; этикдўзлик асбоби (ерга қоқиб қўйиб мих қайтарадиган асбоб) (1:126) маъноларини англатади ҳамда ёзги оёқ кийими номи ҳам шундай аталади. “Навоий асарлари луғати”да “ёғочи қорасариқ рангли, хуш исли дарахт” маъносидаги сандал арабча деб кўрсатилади. (2: 545) Лекин шуни таъкидлаш лозимки, Хоразм шеваларида аслида *санда*л ва *сандон* шаклида бўлган иккита алоҳида сўз омонимлик касб этган. Сандон; этикдўзлик асбоби маъноларидаги сандон сўзи “Навоий асарлари луғати”да “темирчи ва заргарларнинг устига метални қўйиб болғалайдиган оғир пўлат асбоби” (2:546) маъносида тарихан форс тилига мансублиги тўғри кўрсатилган. Бу сўз тилимизга форс тили орқали ўтган бўлса ҳам, унинг сурёний, мидия ва оромий тилларида *sadânâ* шаклида, иврит (иброний) тилида эса *sadân* тарзида ишлатилгани (3:1177) генетикаси анча мураккаблигидан дарак беради.

“Ёзда кийишга мўлжалланган очик оёқ кийими” маъносидаги сандалга асос бўлган сўз эса “Навоий асарлари луғати”да кўрсатилганидек, дарахт номи бўлиб, қадимда шиппаклар шу дарахт ёғочидан тайёрлангани учун материал номи кийим номига кўчган. Лекин бу сўз соф арабча бўлмай, унинг ўзига бошқа тиллардан ўзлашган бўлиши эҳтимолга яқин. Сандал грек тилида *sandalia*, лотинчада *sandalium*, француз тилида *sandale*, инглиз тилида *sandal* (3:1173) дейилиши шу мулоҳазага ундайди. Бу сўз қадимданок “ёзги калиш”, “аёллар калиши” маъноларида ишлатилган. Ҳозирги форс тилида курси сўзи *сандали* деб аталиб, унинг бундай номланишини тадқиқотчилар икки сабаб билан изоҳлайдилар: 1. Курси кўпинча сандал дарахтидан ясалган. 2. Қадимда подшоҳлар, аслзодалар оёқ кийимини кийиш учун қўйиладиган табуретка сандали (сандал –оёқ кийими) деб аталган. (3: 1337)

Хуллас, сандал – сандон (ерга қоқиладиган темир, устида уста иш қилади) (1:126) ва сандал – оёқ кийими Хоразм воҳаси шеваларида омоним ҳолатга келиб қолган бошқа-бошқа сўзлар бўлиб, уларнинг генетикаси ҳам бўлакчадир.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, қайд этилган мисоллар юқорида таъкидланган фикрларни маълум даражада асослаб, маъно кўчишлари, хусусан, метафора Хоразм шевалари лексикаси шаклланиши ва тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатувчи фактларни бера олади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1983.
3. Бурҳони қотей. Жилди 2. – С. 963.
4. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. I жилд. – Тошкент: ЎзФАН, 1960.
5. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010.
6. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987.
7. Ўзбек халқ шевалари лексикаси луғати. – Тошкент: Фан, 1971.
8. Черемисина М.И. Сравнительные конструкции русского языка. - Новосибирск: Наука, 1976.

УЎК 81-13

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ИШ ЮРИТИШ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ШАКЛИЙ-СТРУКТУР ТАВСИФИ

Ў.Саидов, таянч докторант, Чирчиқ давлат педагогика университети, Чирчиқ
Р.Норбеков, таянч докторант, Чирчиқ давлат педагогика университети, Чирчиқ

Аннотация. Фан-техника ва маданиятнинг беқиёс ривож топиши, ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг тобора ўсиб бориши ўзбек тили иш юритиш терминлари тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлади, айна пайтда, бу соҳа терминларининг аҳамияти ва корпус лингвистикасидаги ўрнини аниқлаштириш масаласини яққол намоён этади. Терминологик тизимларда мавжуд бўлган ёки юзага келаётган атамалардан мосини танлаб олиш, термин сифатида тавсия этилаётган ёки мавжуд термин ўрнига алмаштирилаётган янги

терминларни илмий асослаш энг мақбул йўл ҳисобланади. Ўзбек тилида мукаммал ҳужжатчиликни яратиш, унинг атамаларини чегаралаб олиш, терминларнинг лингвистик корпусда семантик теглаш эҳтиёжи бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Калит сўзлар: иш юритиш, ҳужжат, ҳужжатчилик, хусусий ҳужжатлар, шахс ёки жамоага тегишли ҳужжатлар, жамоага қарашли ҳужжатлар, термин, терминосистема, лисоний тизим, лексикографик таъминот, лингвистик таъминот.

Аннотация. Беспрецедентное развитие науки, техники и культуры, растущие социально-политические связи способствуют позитивным изменениям в системе терминов делопроизводства узбекского языка, что наглядно демонстрирует важность терминов данной сферы и их место в корпусной лингвистике. Из существующих или возникающих в терминологических системах терминов оптимальным является выбор подходящего, научное обоснование новых терминов, предлагаемых в качестве терминов или заменяющих существующие. Создание совершенного документализма на узбекском языке, разграничение его терминов, необходимость семантической маркировки терминов в лингвистическом корпусе являются актуальными вопросами сегодняшнего дня.

Ключевые слова: делопроизводство, документ, документация, частные документы, документы, принадлежащие лицу или коллективу, документы, принадлежащие коллективу, термин, терминосистема, лингвистическая система, лексикографическое обеспечение, лингвистическое обеспечение.

Abstract. The incomparable development of science and technology and culture, the growing socio-political relations cause positive changes in the system of business terms of the Uzbek language, at the same time, it clearly shows the importance of the terms of this field and the issue of clarifying their place in corpus linguistics. It is the most appropriate way to select the appropriate terms from the existing or emerging terms in terminological systems, to scientifically justify new terms that are recommended as terms or to be replaced by existing terms. The need to create perfect documentation in the Uzbek language, demarcate its terms, and semantically tag the terms in the linguistic corpus is an urgent issue today.

Key words: paperwork, document, documentation, private documents, documents belonging to a person or a team, documents belonging to a team, term, terminosistem, linguistic system, lexicographic support, linguistic support.

Ўзбекистонда XX асрнинг 60-йилларида лексикографияга доир илмий қарашлар пайдо бўла бошланган. Бу соҳада лексикографик тадқиқотлар монография ва мақола сифатида амалга оширилган. Монографик тадқиқотлар сифатида икки тилли луғатлар таҳлилига Н.Расулова [1], Қ.Мухиддинов [2], Х.Фаттоҳов [3], Ш.Файзуллаева [4], Т.Қодиров [5], Э.Умаров [6], Б.Ҳасанов [7], Н.Шарахмедова [8], М.Зияева [9], С.Ғафурова [10] лар ишларида атрофлича эътибор қаратилган.

Олиб борилган тадқиқот ишларини қуйидагича классификация қилиш мумкин:

- а) луғатчилик этимологиясига оид илмий ишлар;
- б) луғатларнинг илмий таҳлилини акс эттирган ишлар;
- с) лексикографик тамойиллар асосидаги муайян муаммолар ечимига бағишланган илмий ишлар.

Луғатчилик тараққиёт тақомилига оид ишлар сирасига Х.Фаттоҳовнинг “Луғатчилигимиз тарихидан” мақоласи ва “Ўзбек лексикографияси тарихига бир назар”, асарлари тааллуқли бўлиб, уларнинг биринчисида муаллиф луғатчилик тарихини даврлаштиришга ҳаракат қилган.

Иш юритиш [11] ёки давлат тилида иш юритиш муаммоларига бағишланган М. Аминов, А. Мадвалиев, Н. Махкамов, Н. Махмудовларнинг “Иш юритиш” (2017), М.Аминов ва бошқаларнинг [12] “Давлат тилида иш юритиш” амалий қўлланмаси ташкилот ва муассасаларнинг иш юритиш фаолиятида энг кўп қўлланадиган ҳужжатлар, уларни тузиш тартиби ва қоидалари муаммоларига бағишланган. Улар тегишли намуналар билан кўрсатилган, иш юритишга оид луғатларга ҳам тартиб берилган. Қўлланма, биринчи навбатда

ташкilotлар раҳбарлари ва ходимларига, бошқарув фаолиятида бевосита ҳужжат устида ишловчиларга ва қўлаб фаолият турларида фойдаланишда қўл келади.

Иш юритиш материаллари – бу ҳар қандай ёзишмалар ва ҳужжатлар, ўқиш ва ижодкорлик учун ишлатиладиган маҳсулотлар бўлиб, офис материаллари ҳар қандай ташкilot харажатларида алоҳида элементни ташкил қилади.

Тадқиқотчи Нафиса Садинованинг “Ўзбек тили иш юритиш терминологияси” диссертациясида иш юритиш терминологиясида нуқсон саналган синонимия, дублетлик, вариантлик ҳодисалари ўрганилган ва уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилган [13].

Расмий иш қоғозларининг аҳамияти шундаки, у ўз даври жамият аъзолари орасидаги муносабатлар, давлатлар орасидаги турли муносабатлар, давлатнинг тузилиши, ички қонун ва қоидалари ҳақида маълумот беради. Бу эса жамият тарихини, ижтимоий аҳволи ҳамда муносабатлар тарихини ўрганишга ёрдам беради ва шу мақсадда тарихий тадқиқотлар олиб борилади.

Ўзбек тилида ягона расмий иш қоғозлари тузишнинг суств амалга оширилишининг сабабларидан бири сифатида бундай ҳужжатларни тузиш йуллари, шакли, тили ва услубини ўрганувчи ва белгиловчи бирор илмий-тадқиқот институти доимий иш олиб бормаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Ўзбек тилида ягона расмий иш қоғозларининг (ҳужжатларнинг) шакли билан ҳозиргача айрим олимларгина шуғулланиб, ўз тавсияларини бермоқдалар. Ўзбек тилида ягона расмий ҳужжатларнинг муассаса, идора, бошқарма ва бошқа турли бошқарув идораларида иш ташкил қилишда, айрим шахс ва жамиятнинг талаби, таклифини амалга оширишда ҳамда унинг ижросидаги аҳамияти ва ўрнини ҳисобга олинади. Мазкур ҳужжатларни тузиш илмда ижро этиш услуби устида иш олиб бориш, давлат ягона нусхаларини ишлаб чиқиш ҳозирда долзарб муаммолардан бири.

Ҳужжатлар ички ва ташқи турларга бўлинади:

1. Муассаса, идоранинг ички масалаларини ёки айрим хизматчиларнинг муаммосига қаратилган.

2. Ташқи идоралар билан ҳал қилинадиган ҳужжатлардан иборат бўлади.

Ҳужжатларнинг мақсадга кўра турлари, системаси ва шакллари қуйидагича бўлади: Ҳар бир расмий иш қоғози маълум бир мақсадни кўзда тутати. Шунга кўра ҳужжатлар 3 турли бўлади:

- 1) хусусий ҳужжатлар;
- 2) шахс ёки жамоага тегишли ҳужжатлар;
- 3) жамоага қарашли ҳужжатлар.

Шахсий ҳужжатлар: *таржимаи ҳол, тавсифнома, тавсиянома, тилхат, гувоҳнома, таклифнома, меҳнат дафтарчаси, муносабат белгиси, шахсий варақа, сўроқ баённомаси, ишончнома, ҳукм, айбнома, фармон, буйруқ.*

Шахс ёки жамоага тегишли ҳужжатлар: айрим шахс ёки шахсларга оид ҳужжатлар: *ариза, сафар гувоҳномаси, тушунтириш хати, шикоят аризаси, фармон, буйруқ, билдириш, қафолат хати, хизмат хатлари, эълон, шикоят аризаси.*

Жамоага қарашли ҳужжатлар: айрим шахс, шахслар, идора, ташкilotларга оид ҳужжатлар: *ажрим, ҳисобот, далолатнома, маълумотнома, даъво аризаси, илтимоснома, ахборот, ашъвий далиллар дафтари, молиявий-статистик ҳужжатлар. Бунда жамоага ёки жамоаларга тааллуқли ҳужжатлар ҳам бор, қонун, йўриқнома, низом, устав, таътил жалвали, штат жадвали, битим, аҳднома, шартнома* кабилар шулар жумласидан.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида иш юритиш терминларининг шаклий-структур тавсифини ўрганишда термин пайдо бўлиши ҳодисасини эътиборни тортади.

2020 йил сентябрь ойида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг янги наشري техник тузатишлар билан чоп этилди.

Дунё тилларининг ривожланиш омилларига кўра тилда мавжуд лексика халқаро алоқалар орқали бошқа тиллардан кириб келган сўзлар ҳисобига бойиб бориши кузатилган. Ўзлашган сўзларнинг фаоллик даражаси ортиши орқали ўз қатлам сўзлар хорижий тилдан

кириб келган сўзларга ўрнини бўшатиб бериши ҳолати тил тарихидан маълум. Бу жараён терминологияда ҳам ўз аксини топгани сезилади. Терминлар тизимининг халқаро стандартларга мослаштирилиши ҳолати терминологиядаги миллий сўзнинг субстанциал шаклидан кўра иш юритиш бирликларнинг қўлланиш даражасини кўтаришга хизмат қилади. Иш юритиш соҳасига оид баъзи терминлар миллий ахлоқ ўзига хослиги билан иш юритишга оид тушунчалардан фарқ қилади. Бундай терминларнинг хусусийлик жиҳати устун бўлганини ҳисобга олиб, иш юритиш терминларининг бошқа тилларда бир хил шаклда қўлланиши эҳтимоли анчайин катта.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мавжуд иш юритиш терминларининг этимологик хусусияти бўйича классификацияси қуйидагича: а) ўзбекча; б) арабча; в) форсий; д) русча ёки рус тилидан ўзлашган; е) французча; ф) немисчадан ўзлашган сўзлар. Шу билан бирга, ўзбек тилида тил бойиши имкониятнинг ички ҳолати асосида ёки турли тилдан ўзлашган сўзларнинг жуфтлаши орқали ҳосил бўлган терминлар ҳам мавжуд: изоҳталаб, илтимоснома, маълумотнома, пешлавҳа, рухсатнома каби. “Ўзбек тилининг изоҳли луғат”ларида ҳам этимологик жиҳатдан араб тилига мансуб бирликлар етакчилик қилиши кузатилди. Бу сўзларнинг кўп қисми соф туркий сўзлардир. Бироқ иш юритиш терминологиясида соф ўзбекча сўзларнинг ўрнини ошириш халқимизнинг ўз тилидан кенгроқ ва соҳа тили сифатида фойдаланиш қамровини кенгайтишига хизмат қилишини таъкидлаш зарур.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилган иш юритиш терминлари тузилиш нуқтаи назаридан содда, қўшма, жуфт терминлар турига ажратилади. Ўзбек тили иш юритиш терминологиясида мавжуд бўлган қўшма терминлар (телекоммуникация, телекомпания, телемаркетинг каби) ҳам “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да мавжудлиги аҳамиятли. Қўшма терминлар таркибида мураккаб иш юритиш мазмуни ифодаланади. Шу сабаб бирикма шаклидаги терминлар иш юритиш терминологиясида салмоқли ўринни эгаллайди. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” янги таҳрири тайёрланиши жараёнида бош сўз иштирокидаги иш юритиш бирикма терминлар ҳам кўпроқ берилиши мақсадга мувофиқ. Бироқ бундай қўшма терминларнинг қайси шакли бош сўз деб танланиши баҳсли муаммолардан. Бунда бирикмали терминлар таркибидаги ҳар бир луғавий бирлик алоҳида иш юритиш ҳужжати мақомига эга. Бу хусусда бирикма терминлар яхлит тил бирлиги саналади. Бунда вариантлик ҳодисаси Нафиса Садинова томонидан қуйидагича кузатилади: а) бирикмаларнинг термин элементлари ўзгариши мумкин: *аъло сифатли* – *юқори сифатли*, *валюта курси* – *валюта қиймати*, *ишончли шахс* – *ваколатли шахс*, *кечки ўқиш* – *кечки таълим*; б) терминэлемент таркибидаги қўшимчалар ўзгариши мумкин: *қимматдор қозғозлар* – *қимматбаҳо қозғозлар* каби [14].

Тадқиқотчи Э.Собирова таъкидлаганидек, “Терминларни изоҳли луғат учун танлашда унинг тегишлилик соҳаси бўйича таърифи, изоҳига таяниш лозим. Бу борада ҳуқуқий терминология бўйича бирорта махсус изоҳли луғатнинг йўқ эканлиги ўзбек терминографияси учун яна бир вазифа амалга оширилиши муҳим эканини кўрсатади. Ҳуқуқий терминларнинг изоҳли луғатлардаги изоҳида қуйидагиларга амал қилишни тавсия қиламиз: тўлиқлик тамойили; аниқлик тамойили; ихчамлик тамойили; соддалик тамойили каби [15].

Иш юритиш терминлари ҳақида гап борар экан Флёра Тарханованинг диссертациясида рус ва татар тилларида расмий бизнес услуби лексик таркибининг асосини ижтимоий-сиёсий луғат ва махсус терминология ташкил этиши ҳақида гап боради. Энг муҳим лексик гуруҳни ифодаловчи ижтимоий-сиёсий луғат энг катта семантик юкни кўтара олади. Ижтимоий-сиёсий сўз бирикмаларини ташкил этувчи атама ва термин бирикмаларини таржима қилиш турли қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган атама ва термин бирикмалари; аффикс ва қўшимчалар билан ҳосил қилинган эквивалентлар орқали амалга оширилади [16], дейилади ишда.

Иш юритиш ҳужжатлари матнларидаги жумлаларининг семантикасини бошқа тилдаги асл нусхаси билан мослаштириш, таржима қилиш техникасини ўрганиш шуни кўрсатдики, бундай методларга қуйидагилар киради:

1) сўзларнинг етишмаслиги – иш юритиш терминларида фақат маълум бир тилда ишлатиладиган атамалар чиқариб ташланади ва улар таржима қилинмайди, бошқа тиллардаги сўзлар, улар, жумладан, эквивалент ёки лакуналар ҳисобланади;

2) сўз алмаштириш – терминлар таржимасида энг кенг тарқалган техникадир. Иш юритишда сўзни алмаштириш мумкин. Иш юритиш терминларининг ижобийси салбийси билан алмаштирилади ёки аксинча;

3) сиқиш – бу таржима қилинган иш юритиш терминининг аниқроқ эквивалентини излаш, яъни тушунчанинг маъносини аниқлаштириш;

4) пермутация (келиши мумкин бўлган ҳар хил кетма-кетлик) – ўзбек тилида иш юритишда жумла қурилиши бошқа тилдаги жумла қурилишига мос келмайди. Шунинг учун таржима пайтида сўзларнинг алмашилиши муқаррар;

5) қўшимчалар – таржима маъноси тўлиқ аниқ бўлмаган ҳолатда иш юритиш терминларида таржимон қўшимчалар киритади: улар термин ёки термин бирикмасининг маъносини далиллайди;

6) концепцияни кенгайтириш ва аниқлаштириш – бу усул атаманинг маъноси, ўзбек тилидаги атама бирикмаси бошқа тилдаги иш юритиш атамасининг маъносига мос келмаса, муваффақиятсиз, нотўғри қилинган таржимадан қочиш учун ишлатилади.

Бизнинг таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, ушбу хусусиятлар фақат ўзбек тилидаги иш юритиш терминологиясида тўлиқ ўз аксини топиши лозим. Иккинчиси атамаларнинг кенгайтирилган тизими бўлиб, уларнинг аксарияти махсус луғатларда акс этиши кўзда тутилган ва аниқ маъно ихтисослангани билан ажралиб туради. Ўзбек тилидаги иш юритиш терминологияси ҳам кенг тушунчалар тизимини акс эттиради. Бироқ ўз-ўзидан ўзбек тилининг изоҳли луғатларида иш юритиш терминларининг шаклий-структур тавсифининг катта оқими уни тўғри изчилликдан чалғитади ва унинг кўплаб бўлимларини хато атамалар ва терминоидлар (претерминес) тўпламига айлантиради. Баъзи иш юритишга оид тушунчалар қатъий терминологик белгига эга эмас. Аммо ҳозирги вақтда ўзбек тилида иш юритиш терминологиясининг тизимли хусусиятларини кучайтириш тенденциясини ишлаб чиқишга зарурат бор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Расулова Н. Исследование языка “Китаб ал-идрак ли-л-исан ал-атрак” Абу Хайяна: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969.
2. Муҳиддинов К. “Санглах” Мирзы Мухаммада Махдихана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971.
3. Фаттахов. Х. Мухаммад Риза Хаксар и его “Мунтахаб ал-лугат”: Автореф. дисс. ... канд. филол. Наук. – Ташкент, 1974.
4. Файзуллаева Ш. Исследование языка памятника XVв. “Китабу булгат ал-муштак фи-луғат ат-турк ва-лкифчак” Жамаладдина ат Турки: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969.
5. Кадиров Т. Филологическое исследование словаря “Хуласа-и Аббаси” Мирзы Мухаммада Хойи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988.
6. Умаров Э. “Бадаи ал-лугат” и “Санглах” как лексикографические памятники и источники изучения староузбекского языка: Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1989.
7. Хасанов Б. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои: Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1989.
8. Шарахмедова Н. Словарь “Хамса ба халли луғат” как источник узбекской исторической лексикографии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – С. 15.
9. Зияева М. Исследование памятника XIV в. “Китаб ат - туҳфат - уз - закийя фил - лугатит – туркийя”. – Ташкент, 1972.
10. Гафурова С. Салоҳидин Тошкандий “Луғоти салос” асарининг лексикографик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018.
11. М. Аминов, А. Мадвалиев, Н. Махкамов, Н. Махмудов. Иш юритиш. Амалий қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. 456 б.
12. Садинова Н. Ўзбек тили иш юритиш терминологияси. – Тошкент. 2020. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Б. 10.
13. Собирова Э. Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳукукий терминларнинг берилиши. – Тошкент: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Б. 23.
14. Тарханова Ф. Русско-татарские терминологические эквиваленты в деловых бумагах и официальных документах, кандидат филологических наук. – Москва: 2004.- Б. 21.